
ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ

Бугун Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати иш режасига кўра, туман халқ таълими бўлимида туманда ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг орзу-умидлари ҳамда муаммолари бўйича педагоглар, ота-оналар ҳамда ёшлар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Давра суҳбатида туман халқ таълими бўлими мудир И. Мирзараҳимова, халқ таълими бўлими мудир И. Ўринбосарлари, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Риштон туман бўлини кенгаши раиси Э. Абдуллаев, педагоглар ҳамда ота-оналар иштирок этишди.

Қизиқарли руҳда ўтган давра суҳбатида ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг орзу-умидлари ҳамда муаммолари ҳақида фикрлар тингланди.

Сўзга чиққанлар, бола тарбиясида оила - мактаб - маҳалла тизимида кенг кулагдаги ишлар олиб бориш лозимлиги, ёшларнинг таълим жараёнидан узилиши ва ота-оналар ҳамда жамоат назоратидан четда қолишининг муаммоли масалалари ҳам таъкидлаб ўтилди.

Ёшларнинг маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун таълим-тарбияга хизмат қиладиган муҳим воситалар: матбуот, телевидения, кино, театр, адабиёт, мусиқа, рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъати, ахборот воситаларининг интернет тизимига, умуман олганда инсон қалби ва тафаккурига бевосита таъсир ўтказа оладиган барча соҳаларни янги сифат босқичига кўтариш зарурлиги шу билан бирга бу соҳалардаги мавжуд катта-кичик камчиликлар ва нуқсонларга тезликда барҳам бериш ва бундай салбий ҳолатлардан қутилиш кераклиги давра суҳбати иштирокчилари томонидан айтилди.

2021-02-24 18:14:57